

М.А. Эрхонова, тадқиқотчи ҚХИИТИ

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ЎСИМЛИКЛАРИНИ ЗАРАРКУНАНДАЛАРДАН БИОЛОГИК УСУЛДА ҲИМОЯЛАШ ТИЗИМИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ КЎЛАМИ

В статье изучен масштаб внедрения системы биологического метода защиты растений в сельском хозяйстве. Анализированы результаты монографических исследований. Приведены выводы, полученные в ходе исследования.

The paper studied the scale introduction of biological methods of plant protection in agriculture. Analyze the results of monographic studies. Presented the findings of the study.


Калитли сўзлар: самарали, инфратузума, сифат, фермер хўжаликлари, иқтисодий зарар, иқтисодий зарар, ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш, бюджет маблағлари, ўсимликларни биологик ҳимоялаш.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республика Вазирлар Маҳкамаси томонидан аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини қондиришга қаратилган бир қатор қарор ва фармонлар қабул қилиниб амалга оширилиб келинмоқда. Бундан ташқари фермер хўжаликларининг самарали фаолият юритишлари ва улар томонидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш жарёнида зурур бўладиган инфратузума объектларини ташкил этишга алоҳида эътибор берилмоқда ва бу тизим доимо такомиллаштирилиб борилмоқда.

Бундай тадбирларнинг натижаси эса охириги йилларда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми пасайишига йўл қўйилмаганлиги ва сифати эса яхшиланиб бораётганлигида номоён бўлмоқда. Шу билан бирга иқлимнинг глобал ўзгариши ва бошқа сабаблар туфайли қишлоқ хўжалиги экинлари турли зараркунандалари ва касалликларининг айрим йилларда кескин кўпайиши бир қатор муаммолар келтириб чиқариб, айрим фермер хўжаликлари томонидан етиштирилган ҳосилнинг сезиларли қисмини йўқолишига ва унинг сифатининг пасайишига олиб келмоқда. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш имкониятларидан бири бу ўсимликларни зараркунанда ва касалликлардан биологик ҳимоя қилиш тизимини кенг ривожлантиришдир. Бу борада кейинги йилларда тобора кенг қўлланилаётган экологик ёндошув, ўсимликларни ҳимоялаш дастурларида кўпроқ биологик услубга кимёвий услубга нисбатан устуворлик берилиши, агротехник тадбирларнинг янада такомиллаштирилиши, умуман агроценозлардан зараркунанда организмлар авж олишини ўсимликларга иқтисодий зарар келтирмайдиган даражада бошқарилиб турилиши, атроф муҳит экологик мувозанатини таъминлашдек масалалар кун тартиби марказида турибди.

Ушбу масалаларни ҳал қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 29 мартда “Ўсимликларни ҳимоя қилиш хизмати тузилмасини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чоратадбирлари тўғрисида”ги 148-сонли қарори қабул қилинди. Мазкур қарорнинг асосий мақсади қишлоқ хўжалиги экинларини зараркунанда ва касалликлардан ҳимоя қилиш ишлари сифатини яхшилаш, ўсимликларни ҳимоя қилиш хизматини такомиллаштириш, ҳимоя тадбирлари самарадорлигини оширишдан иборат эди.

Унда, биринчидан, маъмурий ислоҳотларни чуқурлаштириш ва иқтисодиётни бошқариш тузилмасини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш Республика комиссияси, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг тугатилган «Ўзқишлоқхўжалиқкимё» давлат-акциядорлик компаниясининг қишлоқ хўжалигига агрокимё хизмати кўрсатиш корхоналари ва ташкилотлари негизида Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузурида Республика ўсимликларни ҳимоя қилиш ва агрокимё марказини ташкил этиш белгилаб берилди. Шунингдек, Республика ўсимликларни ҳимоя қилиш ва агрокимё марказининг ташкилий тузилмаси тасдиқлаб берилди (1-расм).



* юридик шахс мақомига эга эмас

** 6 вилоятда 209 та ходимнинг молиявий таъминоти бюджет маблағлари ҳисобига амалга оширилади

*** 10 та ходимнинг молиявий таъминоти бюджет маблағлари ҳисобига амалга оширилади

1-расм. Республика ўсимликларни ҳимоя қилиш ва агрокимё марказининг ташкилий тузилмаси

Ходимларнинг чекланган умумий сони 20 нафар, шу жумладан бошқарув ходимлари сони 17 нафар бўлган Республика ўсимликларни ҳимоя қилиш ва агрокимё марказини бошқариш ижро этувчи аппаратининг тузилмаси 2-расмга мувофиқ фаолият юритилиши белгилаб берилди.



2-расм. Республика ўсимликларни ҳимоя қилиш ва агрокимё марказининг ижро этувчи аппарати тузилмаси

Қуйидагилар Республика ўсимликларни ҳимоя қилиш ва агрокимё марказининг асосий вазифалари этиб белгилаб берилди, жумладан: қишлоқ хўжалигида ўсимликларни кимёвий ва биологик ҳимоя қилиш, ўсимлик касалликлари, қишлоқ хўжалиги зараркунандалари, бегона ўтлар ва чигирткага қарши курашиш ва уларнинг профилактикаси бўйича ягона техника ва технология сиёсатини ўтказиш; комплекс тадқиқотларни амалга ошириш, зараркунандалар, касалликлар ва бегона ўтларнинг тарқалиши имкониятларини ўрганиш ва прогноз қилиш, қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларини ҳимоянинг кимёвий ва биологик воситалари, стимуляторлар билан таъминлаш; қишлоқ хўжалиги корхоналари ва аҳолини ўсимликларни ҳимоя қилиш соҳасида методик таъминлаш, қишлоқ хўжалигига агрокимё хизмати кўрсатиш бўйича ишларни шартнома шартларида амалга ошириш; қишлоқ хўжалиги экинларининг ўта хавфли зараркунандаларини қириб ташлашнинг илмий асосланган тадбирларини ўтказиш; ўсимликларни ҳимоя қилиш соҳасида раҳбар ва мутахассисларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш ва бошқалар.

Шунингдек, ҳудудий бошқаришни ташкил этиш учун Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар Ўсимликларни ҳимоя қилиш маркази ижро этувчи аппаратининг намунавий тузилмаси ҳам ушбу қарорнинг иловасида келтирилган ҳолда ташкил этилди (3-расм).

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигига бир ой муддатда, Адлия вазирлиги билан биргаликда Республика ўсимликларни ҳимоя қилиш ва агрокимё маркази тўғрисидаги низомни, унинг ҳудудий бўлинмалари тўғрисидаги намунавий низомни, шунингдек, Кимёвий ва биологик маҳсулотларга буюртманомаларни шакллантириш ва қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларини улар билан таъминлаш тартибини тасдиқлаш вазифаси топширилди.

Бундан ташқари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда Ўсимликларни ҳимоя қилиш ва агрокимё маркази ҳудудий бўлинмаларини ташкил этишга доир ташкилий тадбирларни амалга ошириш вазифалари юклатилди, яъни Республика ўсимликларни ҳимоя қилиш ва агрокимё маркази ҳамда унинг ҳудудий ва тасарруфидаги ташкилотлар фаолиятини бюджет маблағлари ва хўжалик ҳисобидаги фаолиятдан олинган даромадлар ҳисобига молиялаштиришнинг амалдаги тартиби ҳамда Ўзбекистон ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот институти ва унинг филиаллари учун - Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш марказидаги молиялаштириш ва ходимлар меҳнатига ҳақ тўлашнинг амалдаги шартлари сақлаб қолинди.



Ходимларнинг чекланган умумий сони — 524 киши,
шу жумладан бошқарув ходимлари — 104 киши

3-расм Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар Ўсимликларни ҳимоя қилиш марказлари ижро этувчи аппаратининг намунавий тузилмаси

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири зиммасига зарурат бўлганда Республика ўсимликларни ҳимоя қилиш ва агрокимё марказининг марказий аппарати ва тасарруфидаги ташкилотлар тузилмасига ходимларнинг белгиланган сони доирасида ўзгартиришлар киритиш, Республика ўсимликларни ҳимоя қилиш ва агрокимё марказига хорижий инвесторлардан тушадиган маблағлар, халқаро грантлар ва бошқа манбалар (бюджет маблағларидан ташқари) ҳисобига белгиланган тартибда махсус инновация жамғармаси ташкил этиш ҳуқуқи берилди.

Тугатилган «Ўзқишлоқхўжаликкимё» давлат-акциядорлик компанияси ва унинг бўлинмалари томонидан бюджет маблағлари ҳисобига сотиб олинган асосий ва айланма воситалар Республика ўсимликларни ҳимоя қилиш ва

агрокимё марказига ва унга қарашли ташкилотларга берилиши кўрсатиб ўтилди.

Қишлоқ хўжалиги экинларини парваришлаш ва уни ҳосилини сақлаб қолишда ўсимликларни ҳимоя қилиш тизимининг ўрни бекиёсдир. Республика ҳукумати ва Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан ўсимликларни ҳимоя қилиш, айниқса биологик ҳимоялаш тизимини ривожлантиришнинг энг долзарб масалаларини ҳал этишга алоҳида эътибор бериб келинмоқда.

Республикада ўсимликларни ҳимоя қилиш тизимининг асосий бўғини бу биологик ҳимоя қилиш усулидир. Бу борада ҳар йили “Қишлоқ хўжалиги экинларини зараркунандалар, касалликлар ва бегона ўтлардан ҳимоя қилиш чора-тадбирларини амалга ошириш Дастури” ишлаб чиқилади. Ушбу Дастурларга мувофиқ янги биологаторияларни ташкил этиш ва мавжудларини қувватларини ошириш масалалари ҳам асосий тадбирлар сифатида амалга оширилади. Бунинг учун уларни зарур моддий ресурслар билан таъминлаш ва молиявий маблағ ажратиш чоралари ҳам кўзда тутилади.

Ҳозирги кунда республикада фойдали энтомофагларни ишлаб чиқариш бўйича 873 та биологаториялар фаолият юритаётган бўлиб, улар томонидан йилига ўртача 44446 млн. донадан ортиқ олтинқўз, 2921 млн. дона бракон ва 9930 кг трихограмма ишлаб чиқарилмоқда. Бозор иқтисодиёти шароитида ўсимликларни ҳимоя қилиш тизимида рақобат муҳитини ривожлантиришда турли мулкчилик шаклларидаги биомаҳсулот ишлаб чиқарувчиларни кўпайтириш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Республикада бозор иқтисодиётига ўтиши муносабати билан бу борада ҳам турли мулкчилик шаклларидаги корхоналар вужудга келди, жумладан, мавжуд 873 та биологаториядан 152 таси республика ўсимликларни ҳимоя қилиш ва агрокимё маркази балансида, 44 таси “Ўзпахтасаноат”, “Ўздонмаҳсулот”, “Ўзвиносаноатхолдинг”, “Ўзёғ-мой ва озиқ-овқат саноати” ва “Ўзгенгил саноат” тасаруфида, 3 таси “Биосифат” акционерлик жамияти тизимида, 21 таси хўжалик ҳисобидаги, 118 таси масъулияти чекланган жамият шаклида ва 535 таси эса хусусий мулкчилик шаклидаги биологаториялардир (1-жадвал).

1-жадвал

Республикада фаолият юритаётган биологаторияларнинг мулкчилик шакллари бўйича тақсимланиши

Корхона номи	Биологаториялар		Мулкчилик шакли
	сон	%	
1	2	3	4
Жами	873	100,0	-
Шундан:			
Ўсимликларни ҳимоя қилиш ва агрокимё маркази тасаруфида	152	17,4	давлат
“Ўзпахтасаноат” ДАК тизимида	20	2,3	давлат
“Ўздонмаҳсулот” ДАК тизимида	16	1,8	давлат

1-жадвалнинг давоми

1	2	3	4
“Ўзвиносаноатхолдинг”ХК тизимида	3	0,35	Давлат
“ЎзЁғ-мой ва озиқ-овқат саноати” компанияси тизимида	2	0,25	аралаш
“Ўзенгилсаноат” АЖ тизимида	3	0,35	акционерлик
“Биосифат” АЖ тасарруфида	3	0,35	акционерлик
Хўжалик ҳисобидаги корхоналар	21	2,4	аралаш
Масъулияти чекланган жамият	118	13,5	жамоа
Хусусий корхоналар	535	61,3	хусусий

Манба: Муаллифнинг илмий тадқиқотлари асосида тузилган.

Кўриниб турибдики, энг салмоқли улушни, яъни 61,3 фоизни хусусий мулкчилик шаклидаги корхоналар ва ундан кейин давлат мулки, яъни 21,85 фоизни ташкил этмоқда қолган қисмини ёки 16,85 фоизини эса жамоа, акционер ва аралаш мулкчилик шакллари эгаллаб келмоқда.

Охирги йилларда иқлим ўзгариши натижасида турли зараркунадаларни кўпайиши учун қулай об-ҳаво шароити юзага келиши туфайли жойларда фитосанитар ҳолатнинг мураккаблашиб бориши кузатилмоқда. Республика Ўсимликларни ҳимоя қилиш ва агрокимё марказининг асосий вазифаси қишлоқ хўжалигида ўсимликларни кимёвий ва биологик ҳимоя қилиш бўйича ва касалликлар, бегона ўтлар ва чигирткага қарши кураш бўйича ягона техник ва технологик сиёсат олиб боришдан иборат. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда республика бўйича ҳар ойлик кузатиш натижалари бўйича ўсимликларни биологик ҳимоялаш ва уни профилактикаси бўйича мунтазам равишда чоратадбирлар белгиланиб амалга оширилиб келинади.

Бизнинг монографик тадқиқотларимиз Тошкент вилояти Юқоричирчиқ туманидаги Ўсимликларни ҳимоя қилиш отряди тизимидаги биологик лабораторияларда олиб борилди. Таҳлиллар кўрсатишича, отрядларнинг асосий даромади фақатгина учта хизматдан ўсимликларга кимёвий ишлов беришдаги механизация хизматларидан, кимёвий препаратлар ва биологик воситаларни етказиб беришдан иборат. Ўсимликларни ҳимоя қилиш отрядининг асосий пул даромади кимёвий препаратларни сотишдан бўлиб, яъни унинг салмоғи жами тушумга нисбатан 2009-2013 йилларда 82,0 % ва 79,2 %ни ташкил этган бўлсада, лекин охирги йилларда фермерларда биологик воситалардан фойдаланишга бўлган қизиқиш ва бу борада олиб борилган тадбирлар натижасида унинг салмоғини ортиб борганлигини кузатиш мумкин. Жумладан, унинг салмоғи 2009 йилда 16,0 фоизни ташкил этган бўлса, 2013 йилга келиб бу кўрсаткич 20,5 фоизни ташкил этган ва бу тенденция давом этиш тавсифига эга.

Фойдали ҳашоратларни ишлаб чиқариш ва хўжаликларга етказиб беришда асосий салмоқни олтинкўз, иккинчи ўринда эса трихограмма ва

кейинги ўринда бракон ишлаб чиқариш ва сотиш эгаллаган уларнинг салмоғи ўрганилган 2009-2013 йилларда деярли бир хил нисбатни, яъни мос равишда 45 %, 30 % ва 25 %ни ташкил этган (2-жадвал).

Демак тумандаги Ўсимликларни ҳимоя қилиш отряди пул даромадларини кўпайтиришнинг бошқа манбаларини ҳам излаб топишга, ишга солинмаган ички имкониятлардан кенг фойдаланишлари мақсадга мувофиқдир.

2-жадвал

Тошкент вилояти, Юқоричирчиқ тумани, Ўсимликларни ҳимоя қилиш отряди томонидан 2009-2013 йилларда кўрсатилган хизматларнинг турлари бўйича таҳлили

Кўрсаткичлар	2009 й		2011 й		2013 й	
	минг сўм	%	минг сўм	%	минг сўм	%
<i>I</i>	<i>2</i>	<i>3</i>	<i>4</i>	<i>5</i>	<i>6</i>	<i>7</i>
Жами кўрсатилган хизматлар	239350	100,0	323214	100,0	424353	100,0
Шу жумладан:						
-механизация хизматлари	4800	2,0	13035	4,0	1154	0,3
- кимёвий воситалар сотиш	196300	82,0	261766	81,0	335953	79,2
- биологик воситалар сотиш	38250	16,0	48413	15,0	87245	20,5
Шундан:						
- габробракон	9565	25,0	12103	25,0	21811	25,0
- трихограмма	11475	30,0	14253	29,4	26173	30,0
- олтинкўз	17210	45,0	21787	45,6	33261	45,0

Манба: Тошкент вилояти, Юқоричирчиқ тумани, Ўсимликларни ҳимоя қилиш отряди маълумотлари асосида тайёрланди.

Маълумки, туман Ўсимликларни ҳимоя қилиш отряди тизимидаги ва ҳудудларда жойлашган бошқа мулкчилик шаклидаги биологический лабораториялар фақатгина фермер хўжаликларига хизмат кўрсатмоқдалар лекин бу ҳудуддаги деҳқон хўжаликлари, аҳоли томорқасидаги ва иссиқхоналар эса четда қолмоқда. Бу эса зараркунандаларга қарши курашда бутун ҳудуд қисмини етарлича қамраб олинмаслигига ва зараркунанда ва касалликларни ривожланиш ўчоқлари тўлиғича йўқ қилинмаслигига олиб келмоқда. Жумладан, Тошкент вилояти, Юқоричирчиқ тумани, Ўсимликларни ҳимоя қилиш отряди томонидан 2009-2013 йилларда хўжалик юритувчи субъектлар бўйича хизмат кўрсатиш улуши ўсиб бориши таҳлили шуни кўрсатдики охириги беш йил давомида асосан фермер хўжаликларига хизмат кўрсатилиб келинмоқда. Жумладан, агар 2009 йилда уларга хизмат кўрсатиш улуши 100 фоизни ташкил этган бўлса 2013 йилда бу кўрсаткич 99,9 фоизни деҳқон хўжаликларига хизмат кўрсатиш улуши эса 0,1 фоизни ташкил этган иссиқхоналар, аҳоли томорқалари ва бошқа хўжалик юритиш субъектлари эса эътибордан четда қолган (3-жадвал)

3-жадвал

Тошкент вилояти, Юқоричирчиқ тумани, Ўсимликларни химоя қилиш отряди томонидан 2009-2013 йилларда хўжалик юритувчи субъектлар бўйича хизмат кўрсатиш улуши ўсиб бориши таҳлили

Кўрсаткичлар	2009 й		2011 й		2013 й	
	МИНГ сўм	%	МИНГ сўм	%	МИНГ сўм	%
<i>1</i>	<i>2</i>	<i>3</i>	<i>4</i>	<i>5</i>	<i>6</i>	<i>7</i>
Жами кўрсатилган хизматлар	239350	100,0	323214	100,0	424353	100,0
Шундан:						
- фермер хўжаликларига	239350	100,0	322725	99,8	423927	99,9
- деҳқон хўжаликларига	-	-	489	0,2	426	0,1
- иссиқхоналарга	-	-	-	-	-	-

Манба: Тошкент вилояти, Юқоричирчиқ тумани, Ўсимликларни химоя қилиш отряди маълумотлари асосида тайёрланди.

Тадқиқотларимиз давомида жойларда биологаториялар фаолиятини янада чуқурроқ баҳолаш мақсадида фермер хўжаликлари ўртасида сўровномалар ўтказдик. Сўровномалар Тошкент вилояти Юқоричирчиқ туманидаги пахта ва ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари ўртасида ўтказилди. Сўровномада фермер хўжалиги номи, фермер хўжалиги раҳбарининг ёши, маълумоти, мутахассислиги ҳамда фермер хўжалигининг аъзолари сонидан ташқари, асосан қуйидаги йўналишлардаги, яъни, “Биологаториялар томонидан бажариб берилган хизматлар сифати сизни қониқтирадими?”, “Хизмат кўрсатиш нархларичи?”, “Сиз худуддаги биологатория хизматидан бошқа турдош ташкилотлар хизматидан ҳам фойдаланасизми?”, “Биологаторияда ишловчи мутахассислар билим ва малакаси қай даражада деб ҳисоблайсиз?”, “Сизнинг худудингизда фермер ва деҳқон хўжаликлари учун ўсимлик зарарқунандаларига қарши биологик кураш бўйича семинарлар, тренинглари ва бошқа турдаги йиғилишлар ўтказиб туриладими?”, “Бундай семинар ва тренинглари асосан ким томонидан амалга оширилади?”, “Биологаториялар яна қандай турдаги хизматларни амалга оширса мақсадга мувофиқ бўлади деб ҳисоблайсиз?”, “Охириги 10-15 йил давомида ўсимлик зарарқунандалари ва касалликларни тури кўпайдими ёки камайдими?”, “Сизнингча, ўсимликларни зарарқунандалардан химоя қилишнинг биологик усули афзалми ёки кимёвий усулими?” ва бошқа шу каби саволлар билан муружаат этилди.

Фермер хўжаликлари ўртасида биологаториялар фаолиятини баҳолаш мақсадида ўтказилган сўровнома натижалари шуни кўрсатдики, сўралганларнинг асосий қисми, яъни 81,5 фоизи биологаториялар томонидан бажариб берилган хизматлар сифати қониқтиришини ва 18,5 фоизи қониқмаслигини таъкидлаганлар. Хизмат кўрсатиш нархлари бўйича 64,1

фермерлар қониқишини ва 35,7 фоизи эса нархлар бир оз қимматлик қилишини айтиб ўтишган (4-жадвал).

4-жадвал

Тошкент вилояти, Юқоричирчиқ туманидаги пахта-ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари ўртасида биолобораториялар фаолиятини баҳолаш мақсадида ўтказилган сўровнома натижалари (1 қисм)

№	Берилган савол мазмуни	Берилган жавоб натижалари, %		
		“Ха”	“Йўқ”	“Билмай ман
	<i>1</i>	<i>2</i>	<i>3</i>	<i>4</i>
1	Биолобораториялар томонидан бажариб берилган хизматлар сифати сизни қониқтирадилми?	81,5	18,5	-
2	Хизмат кўрсатиш нархларичи?	64,1	35,7	0,2
3	Сиз ҳудуддаги биолоборатория хизматидан бошқа турдош ташкилотлар хизматидан ҳам фойдаланасизми?	1,6	95,3	3,1
4	Сизнинг ҳудудингизда фермер ва деҳқон хўжаликлари учун ўсимлик зарарқунандаларига қарши биологик кураш бўйича семинарлар, тренинглар ва бошқа турдаги йиғилишлар ўтказиб туриладими?	89,8	6,4	3,8

Манба: Муаллифнинг илмий тадқиқотлари асосида тузилган.

Сўралган фермер хўжаликларига “Сизнинг ҳудудингизда фермер ва деҳқон хўжаликлари учун ўсимлик зарарқунандаларига қарши биологик кураш бўйича семинарлар, тренинглар ва бошқа турдаги йиғилишлар ўтказиб туриладими?”-деб мурожаат қилинганда, улардан 89,8 фоизи ўтказиб турилишини ва бундай тадбирлар асосан туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимлари ва ўсимликларни ҳимоя қилиш отрядлари томонидан ва айрим пайтларда Тошкент давлат аграр университети олимлари томонидан ҳар ойда ва ҳар кварталда амалга оширилиб турилишини айтиб ўтишган. Таъкидлаш жоизки, фермер хўжаликлари билан ўтказилаётган семинарлар сифати ҳақида сўралганда уларнинг аксарияти олиб борилаётган тренинг ва семинарлар ҳар бир ҳудуднинг хусусиятлар етарли даражада ҳисобга олинмаслиги ҳамда ўқитиш мавзуларини кўпроқ назарий тусда ўтиладиганлиги, яъни дарслар тугаганидан кейин фермер хўжалиги раҳбарлари ўз амалиётларида содир бўлаётган ва уни бартараф этиш учун жорий этса бўладиган керакли мавзулар ҳамда усуллар камлигини таъкидлашди. Бундан ташқари шу ҳудудда фаолият юритаётган деҳқон хўжаликлари ва аҳоли томорқа хўжаликларини семинар ва тренингларга жалб қилинмаётганлигини ҳам айтиб ўтишди.

Фермер хўжаликларининг биолобораторияда ишлаш мутахассиларни билим даражасини баҳолаш мақсадида “Биолобораторияда ишловчи

мутахассислар билим ва малакаси қай даражада деб ҳисоблайсиз?”-деб берилган саволга 25,5 фоизи юқори ва 74,3 фоизи эса ўрта ва фақат бир нечта фермер паст деб жавоб беришган (5-жадвал)..

5-жадвал

Тошкент вилояти, Юқоричирчиқ туманидаги пахта-ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари ўртасида ўтказилган сўровнома натижалари (2 қисм)

№	Берилган савол мазмуни	Берилган жавоб натижалари, %		
		“Юқори”	“Ўрта”	“Паст”
	<i>1</i>	<i>2</i>	<i>3</i>	<i>4</i>
1	Биолабораторияда ишловчи мутахассислар билим ва малакаси қай даражада деб ҳисоблайсиз?	25,5	74,3	0,2
		“Кўпайди”	“Камайди”	“Билмай-ман”
2	Охирги 10-15 йил давомида ўсимлик зараркунандалари ва касалликлари тури кўпайдими ёки камайдими?	64,3	33,5	2,2

Манба: Муаллифнинг илмий тадқиқотлари асосида тузилган.

Бундан кўриниб турибдики, биолабараторияда ишловчи мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш масалаларига алоҳида эътибор бериш талаб этилади.

“Охирги 10-15 йил давомида ўсимлик зараркунандалари ва касалликлари тури кўпайдими ёки камайдими?” деган саволга аксарият фермер хўжаликлари, яъни 64,3 фоизи охирги йилларда кўсак қурти ўргамчаккана, трипс, шира ва оққанот каби турли зараркунандаларнинг сони кўпайиб бораётганлиги ва бунинг асосий сабаби глобал иқлим ўзгариши натижасида уларнинг популяцияси учун қулай шароит юзага келаётганлиги билан изоҳлашган.

Олиб борилган тадқиқотлардан куйидаги хулосаларга келишни ва чор-тадбирларни ишлаб чиқишни тақозо этади, жумладан:

- республикамизда ўсимликларни биологик ҳимоялашнинг йўлга қўйилган тизими мавжуд бўлиб, биолабораторияларнинг асосий қисми хусусий ва давлат мулки сифатида фаолият юритмоқда. Шу боисдан, келажакда турли мулкчилик шаклларидаги биологик хизмат кўрсатиш корхоналарини ривожланиши учун қулай ташкилий-иқтисодий ва ҳуқуқий шарт-шароит яратиш, биолабораторияларни ташкил этишда фермер, деҳқон хўжаликлари ва бошқа субъектлар ўртасида кооперация муносабатларини кенг жорий этиш мақсадга мувофиқдир;

- глобал иқлим ўзгариши натижасида охирги йилларда зараркунандалар миқдорининг ортиши ҳолатлари кузатилмоқда, буни олдини олишнинг мақбул йўлларида бири, бу фермер ва деҳқон хўжаликларини унга мослашиши, яъни

зараркунандалар ўчоғини бартараф қилувчи технологиялар ва агротехник тадбирларни кенгроқ жорий этишлари зарурдир;

- фермер ва деҳқон хўжаликларини биологик ҳимоялаш бўйича билим ва малакаларини ошириш муҳим омиллардан ҳисобланади. Бунинг учун уларни ўқитиш ва малакасини ошириш учун мутахассислар, олимлар ва амалиётчиларнинг салоҳиятидан фойдаланган ҳолда ўқув модулларини ишлаб чиқиш ва бунда ҳар бир ҳудуднинг хусусияти ҳисобга олиниши, ўқитиш мавзуларини камроқ назарий ва кўпроқ амалий машғулотлар тарзида ўтилиши, яъни дарслар тугаганидан кейин фермер ва деҳқон хўжалиги раҳбарлари ўз амалиётларида жорий эта оладиган керакли мавзулардан ҳамда усуллардан иборат бўлиши зарур. Мавзуларни шакллантиришда фермерларнинг талаб ва истакларини ўрганиш фойдадан холи бўлмайди. Фермер ва деҳқон хўжаликлари истаклари ва ҳозирги замон талабларини уйғунлаштирган ҳолда тузилган ўқув модуллари амалда самараси юқори бўлиши шак-шубҳасиздир. Яна бир муҳим масала шундан иборатки, фермер ва деҳқон хўжаликларида таълим берувчи тренер–ўқитувчиларни аввало танлаб олиш жарёни ва уларни ўқитишнинг зарур усуллари билан таништириш мақсадга мувофиқ. Тренер–ўқитувчиларни танлаб олишнинг бир қатор мезонлари ишлаб чиқилиши лозим;

- бозор иқтисодиёти шароитида ҳар қандай инфратузилма объектининг самарали фаолият юритиши унда ишловчи ходимлар билим ва малакасига чамбарчас боғлиқдир. Фермер хўжаликлари ўртасида олиб борилган сўров натижалари кўрсатдики лабораториялар ишловчиларнинг асосий қисми билим ва малакаси ўрта деб баҳолашган, лекин кўрсаткич юқори бўлиши лозим. Шу боисдан уларни мунтазам ўқитиш ва малакасини оширишнинг амалдаги тизимини такомиллаштириш лозим;

- таҳлиллардан аён бўлдики, биологик лабораториялар фақатгина уч турдаги фойдали энтомофагларни (бракон, трихограмма ва олтинкўз) ишлаб чиқариш ва уни фермер хўжаликларида етказиб бериш билангина чегараланиб қолмоқдалар. Лекин ишга солинмаган имкониятлардан фойдаланган ҳолда, яъни масалан бошқа турдаги биомахсулотларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, фермер ва деҳқон хўжаликларида консалтинг хизматларини кўрсатиш ва бошқа хизматларни кенгайтирган ҳолда даромадларини ошириш йўллари топишлари мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Юқоридаги йўналишларда тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш қишлоқ хўжалигида ўсимликларни биологик ҳимоя қилиш тизимини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга деб ҳисоблаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 29 мартда “Ўсимликларни ҳимоя қилиш хизмати тузилмасини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғриси”да 148-сонли қарори.

2. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги маълумотлари.

3. Республика ўсимликларни ҳимоя қилиш ва агрокимё марказининг маълумотлари.

4.Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар Ўсимликларни ҳимоя қилиш марказлари маълумотлари.

5.Тошкент вилояти, Юқоричирчиқ туманидаги пахта-ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари маълумотлари.

